# Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!


2005 YIL 1 YANVAR, SHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№1-2. (6.839). Sotuvda erkin narxda


**Бизнинг мақсадимиз — фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига, табаррук қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлиши, кўп йиллар давомида соғ-саломат ҳаёт кечиришларига эришиш, бутун Ўзбекистон аҳолисининг тўлақонли, соғлом турмуш тарзи асосида яшаши учун шарт-шароит яратиб беришдир.**

**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Янги йил табриги

Азиз ватандошлар!

Она юртимизга Янги — 2005 йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолди.

Шу файзли оқшомда биз барчамиз байрам дастурхони атрофида, оила ва яқинларимиз, ёру дўстларимиз даврасида жам бўлиб, катта ҳаяжон билан курантлар садосини кутар эканмиз, ўтиб бораётган йилни хаёлан кузатиб қоламиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, биз учун 2004 йил осон кечгани йўқ.

Биз шу йил 29-30 март, 31 июль кунлари таҳликали воқеаларни бошимиздан кечирдик. Мамлакатимиз ҳудудига суқилиб кирган қора кучлар, халқаро терроризм ўзининг манфур башарасини яна бир карра кўрсатди — бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Ўтган йил давомида ўз олдимизга қўйган айрим мўлжал ва режаларимизни рўёбга чиқара олмадик. Иқтисодиётимизнинг муайян соҳа ва тармоқларида ўз ечимини кутиб турган айрим жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Лекин, шуларга қарамай, 2004 йил мамлакатимиз учун омадли, хайр-баракали келганини эътироф этишимиз лозим.

Якунига етаётган йилимиз ҳаётнинг барча соҳаларида биз учун сезиларли даражада юксалиш йили бўлди, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада ортди.

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ҳам, бизнинг ўзимиз ҳам, меҳнатга, атрофимизда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз ҳам ўзгариб бормоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларининг фидойилиги, қулай об-ҳаво шароити ва сувнинг етарли бўлгани пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш имконини берди, деҳқонларимизнинг рўзғорига даромад, қут-барака кирди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатлари таъминланмоқда, янги иншоотлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда, ижтимоий тармоқлар жадал ривожланиб, одамларнинг ҳаёт даражаси тобора яхшиланмоқда.

Бу йил аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 15 фоизга кўпайди, инфляция, яъни нарх-навонинг ошиши эса кескин пасайиб, унинг ўсиши 3,7 фоиздан ошмади.

Ижтимоий тармоқ ривожида — таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришдик. Нуроний кексаларимиз, давлатнинг ёрдами ва жамият эътиборига муҳтож бўлган барча инсонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласи аввалгидек доимо диққатимиз марказида бўлди.

Ўтиб бораётган йилда мамлакатимизда қабул қилинган, 2009 йилгача мўлжалланган янги — Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини жорий этишга киришдик.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва касбий тайёргарлик даражаси юксалиб бормоқда.

Бу эса мамлакатимиз равнақи ва фаровонлигининг, дунё ҳамжамиятидаги обрў ва нуфузининг мустаҳкам пойдевори ва гарови бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Спортчиларимизнинг жаҳон ва Олимпиада майдонларида қўлга киритаётган ютуқ ва зафарлари ҳам бизни қувонтирмасдан қолмайди.

Поёнига етаётган йил кўпчилик учун ҳақиқатан ҳам меҳр ва мурувват йили бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастури доирасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 373 миллиард сўмдан зиёд, жумладан, саховатли тадбиркорлар ва хайрия ташкилотларининг маблағлари сарфланди.

2004 йил мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти ҳам муҳим воқеалар билан алоҳида ажралиб туради.

Бир неча кун аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда халқимиз ўзининг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ўсиб бораётганини намоён этди, демократик янгиланиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида танлаган йўлимизнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Қадрли дўстлар!

Сўнгги йиллар мобайнида амалга оширган ишларимиз, мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти, 2005 ва кейинги йилларга белгиланган режаларимиз келажакка қатъий ишонч билан қарашга тўла асос беради.

Кириб келаётган янги йил Ўзбекистонда «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Биз ўз олдимизга қўяётган эзгу мақсад — давлат ва жамиятимиз, жамоат ва тижорат тузилмаларининг, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонларнинг имконият ва салоҳиятини эл-юрт саломатлиги йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишдан иборат.

Бизнинг мақсадимиз — фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига, табаррук қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлиши, кўп йиллар давомида соғ-саломат ҳаёт кечиришларига эришиш, бутун Ўзбекистон аҳолисининг тўлақонли, соғлом турмуш тарзи асосида яшаши учун шарт-шароит яратиб беришдир.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Келгуси йилда аҳолининг реал даромадларини, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида меҳнатга тўланадиган иш ҳақи миқдорини, шулар қаторида пенсиялар, нафақалар, стипендияларни, бир сўз билан айтганда, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий манба ва омилларини кўпайтиришга олдинги йилга нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади.

Табиийки, биз ўз олдимизга қўяётган ана шу улуғвор мақсадларга эришиш учун белимизни қаттиқ боғлаб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз даркор. Яна ва яна бир бор таъкидламоқчиман — ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, Ўзбекистон деб аталган, биз севиб-ардоқлайдиган, ҳаммамиз учун ягона бўлган умумий уйимизда тинчлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни сақлаш учун барчамизга боғлиқ вазифаларни бажаришда ўзимизни аямаслигимиз керак.

Қадрли юртдошларим!

Мана шу унутилмас, ҳаяжонли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Янги йил бутун халқимизга, ҳар бир оилага файзу барака, бахту саодат ва омад келтирсин!

Барча орзу-умидларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

## Самимий қутловлар

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари Янги - 2005 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ва равнақ тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаганлар.***

***Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан олинган табрикномада шундай дейилади:***

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Янги йил муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Якунланаётган йилда барча йўналишлар бўйича Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантириш борасида катта тараққиётга эришилди. Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатнинг янги истиқболларини очган тарихий босқич бўлиб қолди.

Ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳи билан йўғрилган учрашувларимизни ғоятда самимият билан эслайман. Ишончим комилки, аниқ мақсадга йўналтирилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Россия ва Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ишида янги муваффақиятлар билан нишонланади.

Сизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндошларингиз ҳамда яқинларингизга бахт-саодат ва омонлик, Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилайман.

**Эҳтиром ила,**
**В.ПУТИН,**
**Россия Федерациясининг Президенти**

**Шунингдек қуйидагилар ҳам давлатимиз раҳбарига ўзларининг самимий қутловларини йўллашган: БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан; Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао; Германия Федератив Республикаси Президенти Хорст Кёлер; Германия Федератив Республикасининг Федерал Канцлери Герхард Шрёдер; Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус; Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшек; Корея Республикаси Президенти Но Му-Хён ва унинг рафиқаси; Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов; Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов.**

**Қутловлар келиши давом этмоқда.**




Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.




- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**
- **Янги йил арафасида мамлакатимизда "Янги авлод" болалар ижодиёти республика фестивали бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида истеъдодли мусаввир Муҳаммаджон Фозиловнинг "Ўзгармас ва доимо ўзгарувчан олам" мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.**
- **Якунланган йилда Норин туманидаги Норинкапа қишлоғида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали маблағи ҳисобига спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**
- **Тошкентда СПИД инфекциянинг ўсмир ёшлар ўртасида тарқалишини олдини олишга доир олиб борилган ишларга бағишланган семинар учрашув ўтказилди. Семинарни Республика Хотин-қизлар қўмитаси, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорликда ташкил этди.**
- **Халқаро "Соғлом авлод учун" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими янги йил байрами арафасида Қибрай туманидаги болалар уйига 320 минг сўмлик, "Опа-сингил ногиронлар " жамиятига эса юз минг сўмлик янги йил совғаларини топширди.**
- **Яқинда Бухорога янги тезюрар поезднинг биринчи қатнови йўлга қўйилди.**
- **Байрам арафасида Денов шаҳрида 900 ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи биноси қуриб фойдаланишга топширилди.**
- **Янги йил бўсағасида тоғли Бойсун туманидаги қадимий Кофрун қишлоғи аҳолиси учун қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.**

## Соғ жисмда соғлом руҳ

***Янги йилнинг мамлакатимизда "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Зеро, инсон ҳаётининг биринчи зарурати – саломатлик. "Соғлиқ бўлса ҳамма нарса топилади", дейди машойихлар. "Соғлик, тинчлик бўлсин", деб дуога қўл очади қарияларимиз. Айни пайтда "Соғлигинг қадрига еткил хаста бўлмасдан бурун", дея огоҳлантиришади ҳакимлар. Бу мақолу маталлар, дуо-ю тилак-истакларнинг замирида теран ҳикмат бор.***

**НИГОҲ**

Инсон ўзига парвардигор томонидан берилган энг олий неъмат – азиз умрни соғ-саломат яшашга интилади. Наинки ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, хешу ақрабою ёру дўстларини мудом сиҳат-саломатликда кўришни истайди. Ҳар бир инсон ўз яқинлари билан учрашганда биринчи навбатда унинг тан-дурустлигини суриштиришдан бошлайди. "Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас", деган шеърий сатрлар ҳам инсон маънавий эҳтиёжининг ҳосиласи ўлароқ бунёдга келган. Ўз навбатида ҳар қандай давлат, ҳар қандай мамлакат ўз фуқаролари соғ-саломат бўлишидан бевосита манфаатдор ҳисобланади. Чунки аъзолари соғлом жамият соғлом ва қудратли бўлади.

Бас шундай экан, янги йилимизнинг мазмун-моҳияти жамиятни соғломлаштиришга қаратилаётгани тасодифий ҳол эмас, ҳаёт заруратидир. Қолаверса, бу мамлакатимизда қатор йиллардан бери ижтимоий соҳада юргизилиб келинаётган изчил ва собитқадам сиёсатнинг мантиқий давомидир.

Куни кеча биз "Меҳр ва мурувват йили" билан хайрлашдик. Табиийки, йил давомида амалга оширилган эзгу амаллар сарҳисоби ҳали олдинда.

(Давоми 2-бетда)

**ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН**

## Сардорлар

***14 январ – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизда ушбу байрамга бағишланган турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

Айтиш жоизки, бундай тадбирлар, аввало, ушбу кун умумхалқ байрами сифатида нишонланишидан дарак берса, иккинчидан, ҳарбийларимиз хизматларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга қаратилгандир.

Ана шундай тадбирлардан бири шу йилнинг 28-30 декабр кунлари Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий горнизонда бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-танлов юртимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган энг яхши мутахассисларни аниқловчи республика босқичи тарзида уюштирилди.

– Йиғилган йигитларимиз бу ерга келгунларига қадар ўзларининг ҳарбий қисмларида, ҳарбий таълим муассасаларида ҳамда ҳарбий округ ва бирлашмаларда бўлган мусобақаларда юқори кўрсаткични қўлга киритган ҳисобланади, - дейди Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғининг жанговар тайёргарликлар бўйича ўринбосари Ж.Атабуллаев.

(Давоми 2-бетда)


ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки
BANK


## "Унутилмас йил бўлди"

***Янги йил бошида турибмиз. Янгидан-янги ниятлар, орзу умидлар, янги режалар... Ортда қолган бир йилга назар ташлаймизу, сарҳисоб қилиб кўрамиз. 2004 йил биз учун нималар олиб келди? Нималарга эришдигу нимларга улгура олмадик? Мана шу ўтган муддат ҳаётимизга қандай ўзгаришлар келтирди? Бу ҳақда ҳар ким ўзича ўй юритади. Бу борада айрим юртдошларимизнинг фикри билан қизиқдик.***

**ДИЛ ИЗҲОРИ**

**Сотқиной ЭРГАШЕВА, Учқўприк туманидаги Ҳамза Ҳакимзода номли ширкат хўжалиги пиллачиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи:**

–Оддийгина пиллачи эдим. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Юртбошимизнинг Фармонлари билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи" деган фахрий унвон соҳибаси бўлдим. Ўтган 2004 йил мен учун мана шуниси билан эсда қоладиган бўлди.

Қарийб ўттиз йилдирки пиллачиман. Бу ишнинг ўзига яраша машаққати, қийинчиликлари бор. Аммо, очиғини айтай, илгарилари пилла боққан кишига ҳозиргидек эътибор бўлмаган. Ишлаган биз бўлардигу кўкрагига медаль тақиб, телевизорга, газетага чиқадиганлар бошқа эди. Ҳақиқат бор экан, мана энди оддий одамларга ҳам раҳматлар айтиляпти. Шу кунларга етганимизга шукр деймиз. Кўнглимиз тоғдек, насиб қилса янги йилда аввалгиданда яхшироқ натижаларни қўлга киритамиз.

**Барот ҲАЙИТОВ, Миришкор туманидаги "Азимжон" фермер хўжалиги раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби:**

– 2004 йил биз учун ҳар жиҳатдан омадли келди. Айниқса, Президентимиз томонидан мени "Дўстлик" ордени билан тақдирлашгани ҳаётимда унутилмас из қолдирди, менга руҳ бағишлади. Қолаверса, ўтган йили деҳқончилигимизда ҳам барака бўлди.

(Давоми 2-бетда)

**ТАҲЛИЛ**

**"ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ":**

## Иқтисодий ислоҳотлар самараси

***Одатда бошланаётган янги йил аввалида босиб ўтилган йилга бир назар ташлаб, эришилган натижалар сарҳисоб қилинади. 2004 йил мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилган кўплаб ижобий ўзгаришлар, қўлга киритилган ва тилга олишга арзигулик ютуқлари билан ёдда қолади.***

Исталган соҳани олиб кўринг – хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий ёки бошқа соҳа бўлсин, эришилган муваффақиятлар етарлича. Қўлга киритилган ана шу муваффаққиятлару ўзгаришлар, аввало, юртимизда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларида, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ютуқларда ва асосийси, халқимиз турмуш даражасининг яхшиланишида, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиришлари учун замин яратилишида ўз ифодасини топмоқда.

Бу борада гап борар экан, айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки, юртимизда амалга оширилаётган ана шу ижобий ўзгаришларда бевосита шу соҳанинг муҳим ўрни борлиги асло муболаға эмас.

2004 йили табиат деҳқонларимиздан ўз саховатини аямади. Далаларимиздан йиғиб олинган мўл-кўл ҳосил шундан далолат беради. Масалан, ғаллачиликни олиб кўринг. Айтиб ўтиш керакки, мусақиллигимизнинг дастлабки йилларидаnоқ ҳукуматимиз ғаллачиликка алоҳида эътибор қаратди ва бу тез орада ўз самарасини бера бошлади.

(Давоми 3-бетда)

# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТА БАНК"

Ўз акциядорлари, мижозлари ва барча юртдошларимизни
Янги 2005 - "Сиҳат-саломатлик йили" билан чин қалбдан табриклайди!
Янги йилда Сизларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик ва ишларингизга доимо улкан зафарлар тилаймиз!

*Байрам муносабати билан Сизларни йиллик 32 фоиздан 38 фоизгача бўлган "ПАХТА БАНК" омонат турларига бўш пул-маблағларингизни қўйишингизни ҳамда йиллик 30 фоиз, капитализацияси билан 34,5 фоиз даромад келтирувчи замонавий тўлов воситаси — "Пластик карточка"ни таклиф этамиз!*



**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!**

"ПАХТА БАНК" -
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

"Пахта Банк" Кенгаши ва Бошқаруви

# "O'zagrosug'urta" davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi

барча Ўзбекистон фуқароларини Янги 2005 йил билан
чин дилдан табриклайди.
Ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик,
тинчлик-тотувлик ва хирмонингизга барака тилаймиз.

**ЮРТИМИЗ ҲАМИША ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

*"O'zagrosug'urta" kompaniyasi сизнинг доимий ишончли ҳамкорингиз бўлиб, суғурта бозорида қишлоқ хўжалиги корхоналарига лицензия асосида хизматлар кўрсатиб, суғуртавий ҳимоялашнинг ишончли кафолатидир.*

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
133-31-89, 133-28-06



Мамлакатимизнинг барча фуқаролари -
азиз ватандошларимизни

## Янги - 2005 йил

билан самимий муборакбод этамиз!
Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик,
дастурхонингизга қут-барака ва оилавий бахт тилаймиз!
Қалбингизни умид ва қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.
Юртимизда тинчлик-осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.



Бир фасл кўксида кўклам яширин,
Эзгулик номига битмоқда олқиш.
Қорлари орзудек оппоқ, беғубор,
Сокин далаларни кезиб юрар қиш!

**«Ўзкимёсаноат» компанияси, Олмалиқдаги «Аммофос»,
Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» корхоналари**

# Муборакбод этамиз

**Акциядорлик тижорат "Пахта банк" нинг**

Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоаси
мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини
Янги 2005 – Сиҳат-саломатлик йили
билан қизғин ва самимий табриклайди.

**Ҳар бир инсонга бахт-саодат,
тинчлик-омонлик, хотиржамлик тилайди.**

---

UZBEKISTAN

# Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

## Азиз юртдошлар!

Ўзбекистонимизда фаолият юритаётган ва
меҳмон бўлиб турган чет эллик ишбилармонлар!
Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда
саховатли заминимиз ноз-неъматларидан
турфа хил консерва маҳсулотлари тайёрлаб
эл дастурхонини маъмур этиб келаётган

**"Орифен" қўшма корхонаси жамоаси**

Сизларни Янги йил байрами билан самимий қутлайди.

*2005 йил мустақил Ўзбекистонимиз
учун юксалиш, барчамиз учун омадлар йили бўлиб қолсин!*

---

# Қорақалпоғистон Республикаси "Пилла" акционерлик бирлашмаси

юртимизнинг барча пиллакорларини,
Ўзбекистон халқини
Янги - 2005 йил билан самимий қутлайди!
Хирмонларимиз доимо сарбаланд бўлаверсин!

---

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ» АГЕНТЛИГИ

она-ватанимиз – Ўзбекистон халқини, ишбилармон ва
тадбиркорларни Янги 2005 - "Сиҳат-саломатлик йили"
билан муборакбод этади!

*Янги йил кун сайин чирой очиб бораётган азиз юртимизнинг
ҳар бир хонадонига, ҳар бир фуқаросига бахт-у саодат,
тинчлик-тотувлик олиб келишини, барчамизнинг эзгу орзуларимиз
ушалишини тилаб қоламиз.
Азизлар! Республика Кўчмас мулк биржаси Янги йилда ҳам
Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлиб қолишига ишонамиз!
Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!*

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани,
Қорақамиш 2/4 мавзеси, М.Ўразбоев кўчаси, 1"А"-уй. Факс: 136-06-17 www.rkmb.uz

---

# "ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ" КОМПАНИЯСИ ВА "ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОМБИНАТИ"

*мамлакатимиз аҳолисини
Янги 2005 –
"Сиҳат-саломатлик йили"
билан қизғин муборакбод этади!*

**Барчангизга мустаҳкам соғлик,
омонлик, оилавий бахт тилаймиз!**

# Қорақалпоғистон Республикаси "Қишлоқхўжаликкимё"

худудий акционерлик жамияти бутун Ўзбекистон халқини

2005 йил - "Сиҳат-саломатлик йили"

билан табриклайди!

**Хонадонингиз бахтли кунларга, дастурхонингиз ризқу-рўзга тўлиқ бўлсин!**

# Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "ҒАЛЛАБАНК" ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ, ҲАМКОРЛАР ВА МИЖОЗЛАРИНИ ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ

ҳамда 2005 йилдан бошлаб, юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига барча турдаги тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш имконини берувчи

**пластик карточкаларни**

таклиф этади.

*"ҒАЛЛАБАНК" ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ бу, пулларингиз ишончли сақланиши, нақд пуллар ўрнини тўлиқ босиши, қўшимча даромад манбаи, ҳар қандай тўловлар тезда бўлиши ҳамда Сизни замон билан ҳамнафас эканлигингиз КАФОЛАТИДИР!*

**«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!**

# Акциядорлик-тижорат "Тадбиркорбанк"

серқуёш юртимизнинг барча фуқароларини, тадбиркорлар ва акциядорларни янги – 2005 йил билан муборакбод этади.
Сизларга бахт-саодат, тинчлик-фаровонлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз!
Янги йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин.

### *Азиз юртдошлар!*

*"Ўзтадбиркорбанк" сизларга ўзининг янги ва қулай хизмат турларини таклиф этади.*

*"Ўзтадбиркорбанк"нинг миллий валютадаги пластик карточкаси сизнинг ҳамёнингизни тўлдирувчи ягона тўлов хизмат туридир.*

*– Пластик карточкангизга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз ва устама ҳақлар олиш имконияти мавжуд.*

*– Пластик карточкадан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карточка хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз ҳамда пластик карточкага доир маълумотлар сир сақланади.*

*– Пластик карточка эгалари карточкада мавжуд бўлган қолдиқ суммага ҳар ойлик устама 2 фоиз, йиллик капитализация ҳисобига 24 фоиз устама даромад оладилар.*

*– Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини ҳам пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.*

*– Пластик карточкангиздаги маблағларни исталган вақтда республика бўйлаб ўрнатилган барча банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.*

*"Ўзтадбиркорбанк" сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.*

*Ўз имкониятингизни қўлдан бой бермай, "Ўзтадбиркорбанк" пластик карточкасига эга бўлинг!*

*Бизнинг пластик карточкамиз – Сизнинг хизматингизда!*

*Мурожаат учун телефонлар: 173-05-79, 173-28-12.*

# Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

# ХАЛҚ БАНКИ

Мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини

**Янги 2005 йил – "Сиҳат-саломатлик йили"**

билан самимий муборакбод этади.
Янги йилда Сиз, азизларга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилайди.
Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.
Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин

Байрам муносабати билан мижозларга **"МАРЖОН"** – қисқа муддатли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50 000 сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

**ХАЛҚ БАНКИ - СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

